



ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРНИНГ ХУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Туракулов Тимур

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0009-6423-6630
tta-tima.ik-304@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада ҳудудий ривожланиш жараёнида институционал механизмларнинг ўрни ва аҳамияти кўриб чиқилади. Ҳукумат, маҳаллий идоралар, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантирувчи механизмлар ҳудудий иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий восита сифатида баҳоланади. Хорижий мамлакатлар (ЕИ, Украина, Россия) тажрибаси таҳлил қилинади, шунингдек, институционал ёндашувнинг назарий ва амалий асослари очиқ берилади. Илмий манбалар таҳлили орқали ушбу механизмларнинг инновация, сармоя жалб қилиш ва ҳудудлараро тафовутларни камайтиришдаги самарадорлиги асослаб берилади.

Калит сўзлар: институционал механизм, ҳудудий ривожланиш, давлат ва бозор, фуқаролик жамияти, инновация, иқтисодий ўсиш, интеграция, давлат-хусусий шериклик.

ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ МЕХАНИЗМЫ В РЕГИОНАЛЬНОМ РАЗВИТИИ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

Туракулов Тимур

Научно-исследовательский центр «Научные основы и
проблемы развития экономики Узбекистана» при
Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье рассматривается роль и значение институциональных механизмов в процессе регионального развития. Механизмы, регулирующие взаимодействие между государством, местными органами, частным сектором и гражданским обществом, рассматриваются как ключевой инструмент обеспечения регионального экономического роста. Анализируется опыт зарубежных стран (ЕС, Украина, Россия), а также раскрываются теоретические и практические основы институционального подхода. На основе анализа научных источников обоснована эффективность данных механизмов в стимулировании инноваций, привлечении инвестиций и снижении межрегиональных диспропорций.

Ключевые слова: институциональный механизм, региональное развитие, государство и рынок, гражданское общество, инновации, экономический рост, интеграция, государственно-частное партнёрство.

THE ROLE OF INSTITUTIONAL MECHANISMS IN REGIONAL DEVELOPMENT: THEORETICAL FOUNDATIONS AND INTERNATIONAL EXPERIENCE

Turakulov Timur

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of Uzbekistan's Economic Development" under the Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article examines the role and significance of institutional mechanisms in the process of regional development. Mechanisms that structure the interactions between government, local authorities, the private sector, and civil society are assessed as essential tools for promoting regional economic growth. The study analyzes the experiences of foreign countries (EU, Ukraine, Russia) and explores the theoretical and practical foundations of the institutional approach. Based on a review of scholarly sources, the article substantiates the effectiveness of such mechanisms in fostering innovation, attracting investment, and reducing interregional disparities.*

Keywords: *institutional mechanism, regional development, state and market, civil society, innovation, economic growth, integration, public-private partnership.*

Кириш.

Ҳозирги замонавий иқтисодий сиёсат шароитида мамлакатнинг барқарор ва барча аҳоли қатламларини қамраб олган тараққиётини таъминлаш учун минтақалар даражасида мувозанатли ва изчил ўсишга эришиш энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Айниқса, ҳудудий ривожланиш суръатларини мувофиқлаштириш стратегик аҳамият касб этиб, барча турдаги сиёсий ва иқтисодий ташаббусларнинг амалий самарадорлигини белгилайди.

Сўнгги ўн йилликда жаҳон тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, кўплаб давлатлар “ҳудудий парадокс” муаммосига дуч келмоқда: ички ялпи маҳсулот ҳажми ўсишда давом этган ҳолда, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ва инфратузилмавий номутаносибликлар янада чуқурлашмоқда. Масалан, Европа Иттифоқи ўзининг 2021–2027 йилларга мўлжалланган Кохезия сиёсати доирасида 392 млрд.еврони камбағал минтақалар инфратузилмасига йўналтирмоқда¹. АҚШда эса 1 млрд.долларлик Build Back Better Regional Challenge дастури орқали 21 та минтақавий коалиция 25–65 млн.долларлик грантларга эга бўлиб, ушбу маблағлар хусусий сектордан жалб этилган яна 300 млн.доллар билан тўлдирилди².

Бу тенденцияларга мос равишда, Ўзбекистонда ҳам ҳудудий сиёсатни қайта шакллантириш жараёни кетмоқда. Жумладан, 2023 йил якунларига кўра, мамлакат ЯИМининг 17,1 фоизи фақатгина Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келиб, энг яқин вилоятдан қарийб тўрт баробар юқори кўрсаткични ташкил этди³. 2024 йилнинг биринчи чорагида эса бу улуш 20,1 фоизга етди⁴. Шу билан бирга, Жаҳон банкининг 2023 йилги Infrastructure Governance Assessment ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда инфратузилма лойиҳалари бўйича транзакцион харажатлар режалаштирилган сметадан ўртача 25 фоизга юқори, тендер жараёнларидаги ортиқча бюрократик босқичлар эса самарадорликка тўсиқ бўлмоқда⁵.

¹ https://ec.europa.eu/regional_policy/funding/available-budget_en

² American Rescue Plan Frequently Asked Questions. <https://www.eda.gov/archives/2022/arpa/faq/?utm>

³ <https://stat.uz/uz/default/press-reizlar/34336-2023-yil>

⁴ https://stat.uz/img/vrp_press-reiz-yanvar-mart-2024-g_-uzb_p62758.pdf

⁵ Uzbekistan Infrastructure Governance Assessment. <https://documents.worldbank.org/en/publication/documents-reports/documentdetail/099120723131526176/p1770900aa8cca0d208f84024f5cd68f004?utm>

Бундай вазиятда институционал механизмларга бўлган ёндашув тубдан қайта қўриб чиқилиши талаб этилади. Институтлар фақат расмий ҳужжатлар ёки молиявий имтиёзлар орқали эмас, балки норасмий ишонч тармоқлари, маҳаллий ижтимоий капитал ҳамда кўп даражали бошқарув элементлари орқали ҳам самарали фаолият юритиши зарур.

Адабиётлар шарҳи.

Худудий ривожланишни жадаллаштириш замонавий иқтисодий сиёсатда стратегик устуворлик касб этган. Шу нуқтаи назардан, худудий сиёсатнинг самарадорлиги нафақат молиявий ресурслар ва инфратузилма лойиҳалари, балки кенг қамровли институционал механизмларнинг мавжудлиги ва самарали фаолияти билан белгиланади. Институционал механизмлар — бу ҳукумат, маҳаллий идоралар, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидалар, ташкилотлар ва амалий жараёнлар мажмуасидир. Улар худудий иқтисодий ўсишни бошқариш, инновацияларни рағбатлантириш, сармояни жалб қилиш ва худудлар ўртасидаги иқтисодий-тафовутларни қисқартиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Сўнгги йилларда ушбу соҳада олиб борилган илмий тадқиқотлар институционал ёндашувнинг аҳамиятини янада кенг ва чуқурроқ муҳитда қайта баҳоламоқда. Жумладан, Kharchenko (2024) таъкидлаганидек, худудий ривожланишнинг муваффақиятли модели институционал ўзгаришларнинг тизимли ва комплекс тарзда амалга оширилишига боғлиқ. Бу ёндашув фақат иқтисодий омилларга эмас, балки сиёсий барқарорлик, ижтимоий ишонч, бошқарув сифатлари ва ҳуқуқий кафолатларга ҳам суянган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Erfan ва Zayats (2022) ўз тадқиқотларида Евроиттифоқ ва Украина чегарадош худудлари мисолида институционал ҳамкорликнинг ролини ўрганиб, чегаралар ўртасидаги иқтисодий интеграция институционал механизмларни такомиллаштириш орқали амалга ошиши мумкинлигини қайд этадилар. Уларнинг фикрича, қўшни худудлар ўртасидаги инфратузилма ва савдо ҳамкорлиги институционал мувофиқлашув билан чамбарчас боғлиқдир.

Инновация ва рақобатбардошлик масалаларида эса Mingaleva ва ҳаммуаллифлар (2009) институционал механизмларнинг инновацион салоҳиятни бошқаришдаги аҳамиятини ўрганиб, институционал муҳитнинг сифатли бўлиши худудий инновациялар даражасини оширадиган муҳим омил эканини кўрсатган. Хусусан, улар институционал шароитлар инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи ҳуқуқий ва ташкилий муҳитни яратиши зарурлигини таъкидлашади.

Европа мамлакатлари тажрибасини таҳлил қилган Popelo (2019) эса худудий ривожланишни бошқаришда институционал муҳит қандай тарзда тузилиши ва қайси омиллар уни самарали қила олишига алоҳида эътибор қаратган. Унинг таҳлилидан келиб чиқадики, миллий сиёсат ва маҳаллий институтлар ўртасидаги уйғунлик, сиёсий барқарорлик, манфаатдор томонлар ўртасидаги шериклик муносабатлари худудий ривожланиш стратегиясининг марказий пойдевори ҳисобланади.

Институционал механизмларнинг ролини баҳолашда икки муҳим жиҳат ажралиб туради. Биринчиси, институтлар сифатининг ривожланишга таъсири; иккинчиси, институционал уйғунлик ва мувофиқлашув даражаси. Бу икки жиҳат худудлар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш ва барқарор ўсишни таъминлашда ўзаро боғлиқ механизмлар сифатида намоён бўлади. Айнан ушбу жиҳатлар кейинги босқичда иқтисодий моделлаштиришда, индикаторлар ишлаб чиқишда ва сиёсий қарорлар қабул қилишда инobatга олиниши лозим.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан хулоса қилиб айтганда, институционал механизмлар худудий ривожланишни таъминлашда марказий ўрин тутди. Расмий ва норасмий институтлар, ҳукумат ва маҳаллий идоралар, хусусий сектор ва фуқаролик

жамияти ўртасидаги муносабатлар яхлит тизим сифатида шакллантирилиши ва бошқарилиши лозим. Хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, интеграцияланган, шаффоф ва синергетик институционал моделлар ҳудудлар ривожини жадаллаштиради, инвестиция муҳитини яхшилади ва номутаносибликни камайтиради. Ўзбекистон учун ҳам бундай ёндашувлар долзарб ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, стратегик сиёсат ва ислохотларнинг институционал пойдеворини таъминлайди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Минтақавий иқтисодий сиёсатда институтларнинг ўрни ниҳоятда муҳим ҳисобланади. АҚШ тажрибаси шундан далолат берадики, ҳатто федерал бошқарувнинг марказлашмаган тузилмаси шароитида ҳам ҳукуматнинг иқтисодий зоналаш, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий ҳудудлар учун институционал воситалар орқали аралашуви ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Минат ва Мўстаев (2020) таъкидлаганидек, АҚШда 1950–60-йиллардаги минтақавий сиёсат таркибида иқтисодий ҳамкорлик, ҳудудий тенгликни таъминлаш ва ижтимоий инфратузилмани барқарорлаштиришга қаратилган институтлар фаол ишлаган.

Харченко (2024) институционал ислохотларнинг иқтисодий ўсишга таъсирида, айниқса, турли даражадаги институтлар ўртасидаги мувофиқлашув муҳим эканини таъкидлайди. Бу қараш минтақавий сиёсатнинг тизимли ва комплекс ёндашувини талаб қилади, яъни иқтисодий ривожланиш фақат юридик база ёки молиявий ёрдам орқали эмас, балки институтлар ўртасидаги функционал уйғунлик орқали таъминланиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, махсус институционал мақомларга эга ҳудудларни шакллантириш, улар орқали инвестициявий муҳитни яхшилаш ва ташқи иқтисодий фаолликни ошириш ҳақидаги Степанов (2023) фикрлари муҳим. Унинг таҳлилига кўра, ҳудудий дифференциацияни камайтириш учун ташкилотли институционал қўллаб-қувватлаш зарур.

Шунингдек, кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ҳам институционал муҳитнинг ажралмас қисмидир. Америка тажрибасини таҳлил қилган Проняева ва Федотенкова (2020) тадқиқотида бу жараёндаги норматив тартиблар, молиявий имтиёзлар ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар ҳудудий иқтисодий ўсишга таъсир этувчи норасмий ва расмий институтлар сифатида намоён бўлади.

Якуний таҳлил сифатида айтиш мумкинки, институтлар фақатгина юридик қоидалар мажмуи эмас, балки маҳаллий иерархия, ишонч тармоқлари, бошқарув маданияти ва инновацион жараёнларга нисбатан муносабатлар тизими сифатида таҳлил этилиши керак. Бу қараш Институционал тузилмавий моделини ишлаб чиқишда назарий асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Европа Иттифоқи тажрибаси институционал механизмлар орқали ҳудудий ривожланишни тартибга солиш ва тенглаштиришда кенг қамровли ва босқичма-босқич ёндашувни намоён этади. Копиика ва Маковскийларнинг (2020) таъкидлашича, ЕИда минтақавий сиёсат аввал иқтисодий уйғунликни таъминлашга йўналтирилган бўлса-да, кейинчалик сиёсий ва иқтисодий маконни қайта шакллантириш воситасига айланган. Бу жараёнда ҳудудларга ваколат бериш, уларнинг манфаатларини Европа қарор қабул қилиш тизимида акс эттириш каби кўп даражали бошқарув механизмлари шаклланди.

Европа тадқиқотчилари институционал мувозанат ва ҳудудлараро конвергенцияни таъминлашдаги долзарб муаммоларга ҳам эътибор қаратишади. Масалан, Диемер ва ҳамкорлари (2022) “минтақавий ривожланиш тузоғи” тушунчасини илгари суриб, баъзи юқори даромадли ҳудудларда ҳам иқтисодий ўсишнинг тўхташи, самарадорликнинг пасайиши ва ижтимоий хавфлар юзага келаётганини таъкидлайди.

Институционал механизмларнинг ҳудудий ривожланишга таъсири ҳар доим ҳам бир хил натижа бермаслиги Заваженко (2023) томонидан таҳлил қилинган: у конвергенция ва дивергенция таъсирини ҳудудий ҳуқуқий ҳимоя, инсон капитали сифати ва коррупция даражаси билан боғлайди. Аниқроғи, ҳуқуқий кафолатларнинг юқори даражаси, инсон капитали сифатининг ошиши ва коррупциянинг пасайиши конвергенция жараёнини рағбатлантиради, яъни кам ривожланган ҳудудлар ривожланганлар сари яқинлашади. Акс ҳолда, яъни ҳуқуқий институтлар заиф, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими суств ва коррупция кенг тарқалган ҳудудларда дивергенция жараёни кучаяди: ривожланиш бўйича фарқлар янада катталашади ва ҳудудий номуносиваблик чуқурлашади.

Шашийна (2020) Европа институционал моделини давлат, нодавлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро боғлиқликка асосланган тизим сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, ушбу интеграция институционал узилишларни юмшатиш ва ҳудудий асимметрияларни бартараф этишда самарали восита бўлиб хизмат қилади. Мазкур ёндашув институционал мувофиқлашув назарияси билан уйғун келади, чунки у турли соҳавий иштирокчилар ўртасидаги ўзаро тўлдирувчи муносабатлар ва ҳамкорликни кучайтириш орқали барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган.

Эрфан ва Заятсларнинг (2022) чегараларо ҳамкорлик моделлари (еврорегионлар, технопарклар, саноат зоналари) институционал механизмларнинг трансмиллий даражада ҳам ишлай олишини кўрсатади. Улар бу жараёнда миллий қонунчиликни ЕИ стандартларига мослаштириш зарурлигини алоҳида қайд этадилар. Шунингдек, Ж.Мурингани ва бошқалар (2024) Европа минтақаларидаги сиёсий ва ижтимоий ишончни ривожланишнинг асосий драйвери деб ҳисоблайдилар. Бу ишонч даражаси эса, ўз навбатида, ҳукумат сифати ва жамоатчилик фикри билан ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланади.

Институционал механизмлардан самарали фойдаланиш бўйича Польша модели Молдован (2022) томонидан таҳлил қилинган бўлиб, у Европа фондларидан ресурс жалб қилиш ва уларни маҳаллий ривожланишга йўналтиришдаги институционал функцияларни намоён этади. Польша тажрибаси ривожланаётган мамлакатлар учун амалий намуна бўлиши мумкин.

Филиппопоулос ва Фотопоулос (2022) Европа минтақаларида инновациянинг институционал динамикасига эътибор қаратишган: ривожланган ҳудудларда инсон капитали ва хусусий R&D етакчи бўлса, ортда қолган ҳудудларда давлат R&D ва ҳамкорлик тармоқлари асосий драйверга айланади. Фикримизча, институционал механизмларнинг уйғунлик даражаси ва кўп даражали бошқарув билан интеграцияси бугунги кунда инновацион сиёсатнинг институционал муҳитга мослашувчанлик хусусиятини стратегик зарурат сифатида тақозо этмоқда.

Корниевски (2020) Европа минтақавий сиёсати эволюциясини тўрт босқичда кўриб чиқиб, ҳуқуқий ва институционал асосларнинг барқарор ривожланиши сиёсатнинг мослашувчанлиги ва ҳудудий ихтилофларни юмшатишдаги ролини таъкидлайди. Ниҳоясида, Ярема (2022) таъкидлаганидек, Европа Иттифоқининг инновация сиёсатини белгилаб берувчи ақли ихтисослашув стратегияси тармоқлар, компаниялар ва технологик платформаларни глобал занжирлардаги фаол узелларга айлантиришга хизмат қилади. Бу ҳам институционал ҳамкорликнинг юқори даражадаги намунаси сифатида баҳоланади.

МДХ маконида институционал интеграция ва минтақавий тараққиёт масалалари турли йўналишли ечимлар талаб қиладиган жараён сифатида, геосиёсий ўзгаришлар фонида шаклланмоқда. Бу жараёнда инвестиция, ҳуқуқ, транспорт, савдо ва ижтимоий соҳалардаги институционал уйғунлашув ва модернизация муҳим ўрин тутаяди.

Маммадов (2020) таъкидлаганидек, МДХ мамлакатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнларида интеграция механизмлари ҳал

қилувчи аҳамият касб этади. Муҳим вазифалар қаторида давлат-хусусий шериклик агентликларини ривожлантириш ва юқори технология соҳаларида ҳамкорлик қилиш кўрсатилган. Бу институтлар тузилиши, функционал юки ва юритадиган сиёсатлари ҳудудий ривожланишга бевосита таъсир қилади.

Мигранян (2020) МДХ маконидаги минтақавий ҳамкорликни асосан энергия бозорлари, макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва Россиянинг интеграция маркази сифатидаги роли орқали баҳолайди. Унинг фикрига кўра, COVID-19 пандемияси ва глобал бозордаги ноаниқликлар интеграцион жараёнларни танқидий қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Гончаров (2024) интеграция фонидаги савдо, молия ва инвестиция ҳамкорлигининг ташқи босимларга қарамасдан ўсишини қайд этади. Лекин инвестиция оқимларининг нотенг тақсимланиши ва мавжуд институционал тўсиқлар ҳудудларда барқарор бошқарув ва ривожланиш учун зарур бўлган институционал муҳитни шакллантиришда ҳал қилиниши лозим бўлган асосий муаммолардан бири бўлиб турибди.

Алдешова ва бошқаларнинг (2023) таҳлилига кўра, инвестиция сиёсати икки йўналишда амалга оширилмоқда: ЕОИИ ички бозори ва ташқи иқтисодий алоқалар (Хитой, Яқин Шарқ). Улар норесурс секторларига сармоя йўналтириш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларни кенгайтириш зарурлигини таъкидлайди. Бу ҳолат минтақавий ресурслар ва потенциалдан фойдаланиш жараёнида қандай институционал механизмлар устувор бўлиши кераклигини аниқлаб беради.

Рустамбеков (2020) МДХ давлатларидаги ҳуқуқий интеграция жараёнларини Европа тажрибасини уйғунлаштириш асосида тавсифлайди. У қонунчиликни янгилаш ва институционал келишувлар тузиш орқали минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мумкинлигини таъкидлайди.

Транспорт интеграцияси яна бир муҳим институционал механизм. Дроздова ва Удалова (2024) янги геосиёсий вазиятда умумий транспорт маконини шакллантириш стратегик ёндашув ва дастурлаштирилган ҳужжатлар орқали амалга оширилиши зарурлигини кўрсатади.

Никитина ва Лисенко (2024) халқаро савдо бирлашмалари орқали МДХда савдо ҳажмини ошириш имкониятларини ўрганган. Уларнинг фикрича, дунё иқтисодиётидаги ўзгаришлар фонида ташқи савдо муносабатларини институционал даражада қайта форматлаш керак бўлади.

Агирбов ва бошқалар (2020) қишлоқ хўжалигидаги ривожланиш ва мева-маҳсулотлар ишлаб чиқаришда институционал қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик орқали ЕОИИ сингари платформалардан фойдаланиш имкониятини кўрсатадилар. Бизнингча, институционал механизмларнинг ўзаро уйғунлик даражаси ва минтақавий интеграция тенденциялари кластерлашув ҳамда соҳавий институтлар ривожини таҳлил этишда муҳим методологик пойдевор сифатида қаралиши мумкин.

Кедергечова (2024) ижтимоий ҳимоя соҳасида, хусусан, пенсия ҳуқуқларини таъминлашда миграция ва қонунчилик уйғунлигининг муҳимлигини таъкидлайди. Айтиш керакки, институционал тизимдаги номутаносибликлар фақат иқтисодий ўсишга эмас, балки ижтимоий барқарорлик ва аҳоли ўртасидаги тенглик мезонларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Танагузова ва бошқаларнинг (2023) фикрича Жаҳон савдо ташкилоти ва ЕОИИни таққослаган ҳолда, минтақавий савдо механизмлари иқтисодий рағбатларни қай тарзда ўзгартираётганини таҳлил қилган. Уларга кўра, ЕОИИ институционал базаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун қулайроқ муҳит яратган.

Таҳлил этилган халқаро манбалар асосида хулоса қилиш мумкинки, институционал механизмлар минтақавий иқтисодий ривожланишнинг ҳал қилувчи ва мураккаб ўзаро боғлиқ тизимларидан бири сифатида шакланган. Европа Иттифоқи,

АҚШ, МДХ каби турли давлатлардаги амалиётлар шуни кўрсатмоқдаки, барқарор ва кенг қамровли ҳудудий ривожланишга эришиш учун фақат расмий-ҳуқуқий база ва молиявий ресурслар кифоя қилмайди. Бундай ривожланиш, аввало, норма ва қоидаларнинг уйғунлиги, ижтимоий ишонч, инновацион муҳит, маҳаллий шериклик тармоқлари ва кўп даражали бошқарув элементларининг бир бутун тизим сифатида самарали фаолият юритишига боғлиқ. Хусусан:

✓ АҚШ ва Европа мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳудудий сиёсатда юқори самарадорликка эришиш, аввало, катта стратегик режалаштириш қобилияти, институционал уйғунлик даражаси ва оммавий иштирокни таъминловчи бошқарув механизмларининг мавжудлиги билан белгиланади. Бунда марказий ва маҳаллий институтлар ўртасидаги функционал ҳамкорлик, сиёсий ишонч ва жамоатчилик иштирокини таъминловчи платформалар ҳудудий ривожланишнинг узоқ муддатли барқарорлигига хизмат қилмоқда;

✓ Европа Иттифоқида қўлланилган институционал моделлар, еврорегионлар, “ақлли ихтисослашув” ва инновация платформалари ҳудудлар орасидаги фарқни камайтириш ва турли даражадаги ташкилотларни бирлаштиришда самарали восита бўлмоқда;

✓ МДХ давлатларида институционал механизмлар ҳали тўлиқ шаклланмаган. Интеграция асосан энергетика, инфратузилма ва савдо соҳаларида юз бермоқда, аммо ҳуқуқий ва молиявий тизимлар ўртасидаги номутаносиблик ҳудудий ривожланишни секинлаштиряпти.

Умуман олганда, замонавий тенденциялар шундан далолат берадики, институционал механизмларнинг самарадорлиги, аввало, уларнинг ички уйғунлик даражаси, ташкилий-ҳуқуқий мослашувчанлик қобилияти ҳамда кўп даражали бошқарув шароитидаги ўзаро интеграция имкониятлари билан белгиланади. Ҳар бир мамлакат тараққиётининг суръати ва барқарорлиги кўп жиҳатдан унинг ҳудудлари қандай ҳолатда эканлиги, у ерда қандай ислохотлар амалга оширилаётгани ва қандай институтлар фаолият юритаётгани билан белгиланади. Аслида тараққиёт фақатгина юқорида қабул қилинган қарорлар ёки сармоя ҳажмлари эмас, балки жойлардаги амалий имкониятлар, маҳаллий ташаббуслар ва уларни ҳаракатга келтирадиган институционал муҳитнинг натижасидир.

Хулоса ва таклифлар.

Институционал механизмлар ҳудудий ривожланишнинг пойдевори сифатида, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг мувофиқлашувини таъминлайди. Таҳлиллардан маълум бўлишича, самарали институционал тизимлар инвестиция муҳитини яхшилайти, инновацияларни рағбатлантиради ва ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий номутаносибликни қисқартиради. Ўзбекистон шароитида ҳам бундай механизмларни жорий этиш, хусусан давлат-хусусий шериклик ва фуқаролик жамиятининг институтларини мустаҳкамлаш орқали, барқарор ҳудудий ривожланишга эришиш мумкин.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Agirbov, Y., Mukhametzyanov, R., & Dzhancharova, G. (2020). *Production and Consumption of Fruit and Berry Products in the CIS Countries in the Context of Globalization and Regional Integration.*, 63-71. <https://doi.org/10.31442/0235-2494-2020-0-12-63-71>.

Aldeshova, S., Akhmetova, G., Myrzhikbayeva, A., & Borzenko, O. (2023). *Dynamics and structure of foreign direct investment in CIS countries. Bulletin of the Karaganda university Economy series.* <https://doi.org/10.31489/2023ec4/34-43>.

- Diemer, A., Iammarino, S., Rodríguez-Pose, A., & Storper, M. (2022). The Regional Development Trap in Europe. *Economic Geography*, 98, 487 — 509. <https://doi.org/10.1080/00130095.2022.2080655>.
- Drozdova, M., & Udalova, D. (2024). Cis transport integration as a factor of sustainable mobility. *E3S Web of Conferences*. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202459207009>.
- Erfan, Y., & Zayats, M. (2022). Implementation of cross-border cooperation in the context of institutional mechanisms. *Herald UNU. International Economic Relations And World Economy*. <https://doi.org/10.32782/2413-9971/2022-41-7>.
- Filippopoulos, N., & Fotopoulos, G. (2022). Innovation in economically developed and lagging European regions: A configurational analysis. *Research Policy*. <https://doi.org/10.1016/j.respol.2021.104424>.
- Goncharov, M. (2024). CIS Countries Foreign Economic Activity — from Challenges to New Opportunities. *EURASIAN INTEGRATION: economics, law, politics*. <https://doi.org/10.22394/2073-2929-2024-04-22-33>.
- Kharchenko, S. (2024). Institutional approach in the theory and practice of regional economic development. *Ekonomika i upravlenie: problemy, resheniya*. <https://doi.org/10.36871/ek.up.p.r.2024.08.04.001>.
- Kopiika, V., & Makovskyy, S. (2020). EU Regional Policy: Inception, Development and Results. , 9, 3-16. <https://doi.org/10.14666/2194-7759-9-2-001>.
- Kornievskiy, S. (2020). Historical Retrospective of the Formation of European Regional Development Policy. *Public administration and local government*. <https://doi.org/10.33287/102064>.
- Kydyrgychova, Z. (2024). Regional mechanisms for implementation of social security rights within the cis in retrospective. *Alatoo Academic Studies*. <https://doi.org/10.17015/aas.2024.242.27>.
- Mammadov, T. (2020). Attraction of foreign direct investment into the economy of CIS countries in the conditions of regional integration. , 56-65. <https://doi.org/10.7256/2454-0668.2020.4.33980>.
- Migranyan, A. (2020). Potential of development of economic cooperation between Russia and EAEU and CIS countries. *Post-Soviet Issues*. <https://doi.org/10.24975/2313-8920-2020-7-3-327-346>.
- Minat, V., & Mostaev, Y. (2020). Regional Policy of the Federal Government USA in the 50s–60s of the XX Century. *Federalism*. <https://doi.org/10.21686/2073-1051-2020-1-161-174>.
- Moldovan, B. (2022). Poland – model of regional development in central and eastern europe. *The Annals of the University of Oradea. Economic Sciences*. [https://doi.org/10.47535/1991aues31\(1\)022](https://doi.org/10.47535/1991aues31(1)022).
- Muringani, J., Fitjar, R., & Rodríguez-Pose, A. (2024). Political trust and economic development in European regions. *The Annals of Regional Science*. <https://doi.org/10.1007/s00168-024-01319-5>.
- Nikitina, E., & Lysenko, M. (2024). Analysis of trade and economic relations between Russia and the CIS countries. *Lizing (Leasing)*. <https://doi.org/10.33920/vne-3-2405-09>.
- Popelo, O. (2019). INSTITUTIONAL FRAMEWORK FOR REGIONAL DEVELOPMENT REGULATION. PROBLEMS AND PROSPECTS OF ECONOMIC AND MANAGEMENT. [https://doi.org/10.25140/2411-5215-2019-4\(20\)-298-311](https://doi.org/10.25140/2411-5215-2019-4(20)-298-311).
- Pronyaeva, L., & Fedotenkova, O. (2020). Management of small business development in the region. *National Interests: Priorities and Security*. <https://doi.org/10.24891/ni.16.3.496>.
- Rustambekov, I. (2020). Some Aspects of Development of Private International Law in the CIS Countries. , 12, 27-50. <https://doi.org/10.18690/lexonomica.12.1.27-50.2020>.
- Shashyna, M. (2020). Formation of the european institutional model of the regional economy structural modernization, 2, 58-63. <https://doi.org/10.33042/2522-1809-2020-2-155-58-63>.

Stepanov, N. (2023). *Institutes for the new model of economic growth regional management development (territories of advanced development, territories of advanced social and economic development)*. Vestnik Universiteta. <https://doi.org/10.26425/1816-4277-2023-1-106-113>.

Tanaguzova, M., Nanovsky, S., & Orazgaliyev, S. (2023). *Assessing the Effect of Joining the World Trade Organization on Trade Performance: A Study of CIS Countries*. Economies. <https://doi.org/10.3390/economies11090236>.

Yarema, T. (2022). *EU REGIONAL INNOVATION SYSTEM*. Herald UNU. *International Economic Relations And World Economy*. <https://doi.org/10.32782/2413-9971/2022-42-26>.

Zavazhenko, A. (2023). *The contradictory impact of institutional changes on the economic development of the european region countries*. Herald UNU. *International Economic Relations And World Economy*. <https://doi.org/10.32782/2413-9971/2023-48-3>.

Zhanna, M., Oksana, G., & Evgenia, P. (2009). *Forming of Institutional Mechanism of Region's Innovative Development*. World Academy of Science, Engineering and Technology, *International Journal of Social, Behavioral, Educational, Economic, Business and Industrial Engineering*, 3, 2024-2034.